

## АХБОРОТ-КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИНИ НОДИР ВА АЛОҲИДА ҚИММАТЛИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИГА КИРИТИШ, УЛАРНИ САҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

*Қобилжон Турсунов,  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси илмий котиби  
Наргиза Заитова,  
Қўлғемалар, нодир ва алоҳида қимматга эга  
нашрлар хизмати раҳбари*

*In accordance of the Ministry Cabinet decree № 202 dated July 9, 2012 «On measurements of provision of preservation of valuable and unique publications, system expansion, as well as enrichment of their collection, improvements of the collection» are being accomplished by receiving the valuable and rare publications from public, by restoring and conserving rarities by the means of modern technologies. Moreover, the availabilities, registrations and special computer programs related to those publications are being carried out current days*

*Постановление Кабинета Министров № 202 от 9 июля 2012 г. «О мерах по обеспечению сохранности уникальных, особо ценных и редких изданий, системному увеличению и обогащению их фонда» определил новый виток развития деятельности в этом направлении. Это дало возможность системно обогащать фонд путём приобретения рукописных книг, редких печатных изданий, хранящихся у населения, а также обеспечить качественную работу по реставрации и консервации редких книг с использованием современного оборудования и техники.*

Китоб инсоният яратган энг улуғ кашфиётдир. Шу ўринда Президентимизнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асаридаги мана бу эътирофни эътиборингизга тақдим этишни истардик. «Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яра-

тилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда муҳасамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан кам топилади».

Нодир ва алоҳида қимматли босма нашрлар, адабиёт ва санъат асарлари, қўлёзма ва график ҳужжатлар, манускриптлар Ўзбекистон Республикасининг бебаҳо фондлар таркибига киритилиб, уларни авайлаб сақланиши, шунингдек аҳолида сақланаётган ҳамда тарихий, илмий, бадий ва маданий қимматга эга бўлган ноёб нашрларни тизимли сотиб олиниши масалалари давлат даражасига чиқарилиши устувор вазифалардан бири этиб белгиланиши бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 9 июлдаги «Нодир, алоҳида қимматли ва ноёб нашрлар сақланишини таъминлаш, уларнинг фондиди тизимли кўпайтириш ва бойитиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 202-сон қарорини қабул қилиниши айнан ушбу йўналишдаги ишларни тизимли олиб боришга қаратилди.

Мазкур қарор асосида тасдиқланган «Нодир ва алоҳида қимматли нашрларни эҳтиётлаб сақлашни таъминлаш» ҳамда «Босма нашрлар, адабиёт ва санъат асарлари, қўлёзма ва график ҳужжатлар, манускриптларни, шунингдек аҳолида сақланаётган ҳамда тарихий, илмий, бадий ва маданий қимматга эга бўлган ноёб нашрларни тизимли сотиб олиш» бўйича комплекс тадбирлар белгиланган вазифаларни босқичма-босқич амалга оширишга қаратилди.

Икки йўналишдаги тадбирлар комплексини амалга ошириш III босқичга бўлинган. Жумладан, «Нодир ва алоҳида қимматли нашрларни эҳтиётлаб сақлашни таъминлаш» йўналиши:

I. «Нодир ва алоҳида қимматли нашрларнинг норматив-методик базасини ва ягона электрон фондиди шакллантириш».

II. «Ахборот-кутубхона фондларининг консервация ва рес-

таврация қилиш хизматларини техник жиҳозлаш ва ишларини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш».

III. «Реставрация ва консервация қилиш бўйича кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш».

«Босма нашрлар, адабиёт ва санъат асарлари, қўлёзма ва график ҳужжатлар, манускриптларни, шунингдек аҳолида сақланаётган ҳамда тарихий, илмий, бадий ва маданий қимматга эга бўлган ноёб нашрларни тизимли сотиб олиш» йўналиши:

I. Норматив-методик базани шакллантириш.

II. Реставрация ва консервация қилиш бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

III. Аҳолидаги алоҳида қимматли, нодир нашрлар ва ҳужжатларни аниқлаш ва тўплаш тадбирларининг мақсадлари, мазмуни ва аҳамияти тўғрисида оммавий ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этишдан иборат.

Тадбирлар комплексларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, «Ўзархив» агентлиги, Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация Давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадий академия, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда бошқа ташкилотлар мутахассисларини иштирок этиши ушбу ҳужжатларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқишига, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошидаги Республика илмий-методик кенгаши муҳокамасидан ўтказилиши тизимга жорий қилиниши механизмини имконини беради.

Ушбу босқичларни самарали ташкил этишда тегишли меъёрий ҳужжатлар жумладан, «Ахборот-кутубхона ресурсларини нодир ва алоҳида қимматли ахборот-кутубхона ресурсларига киритиш, шунингдек уларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги, Низоми, «Босма нашрлар, адабиёт ва санъат асарлари, қўлёзма ва график ҳужжатлар, манускриптларни, шунингдек аҳолида сақланаётган ва тарихий, илмий, бадий ва маданий қимматга эга бўлган ноёб нашрларни аниқлаш ва танлаш», «Босма нашрлар, адабиёт ва санъат асарлари, қўлёзма ва график ҳужжатлар, манускриптларни,

шунингдек аҳолида сақланаётган ва тарихий, илмий, бадий ва маданий қимматга эга бўлган ноёб нашрларни сотиб олиш, ижарага олиш ва улардан вақтинча фойдаланиш учун нархларни белгилаш мезонлари» Йўриқномалари ишлаб чиқилиб, муҳокамадан ўтказилди.

Нодир, алоҳида қимматли ва ноёб нашрлар сақланишини таъминлаш бўйича мазкур меъёрий ҳужжатлар ахборот-кутубхона ресурсларини нодир ва алоҳида қимматли ахборот-кутубхона ресурсларига киритиш, шунингдек уларни сақлаш ва улардан фойдаланиш, нодир ва алоҳида қимматли ахборот-кутубхона ресурсларини электрон фондини яратишни тартибга солади ҳамда босма нашрлар, адабиёт ва санъат асарлари, қўлёзма ва график ҳужжатлар, манускриптларни, шунингдек аҳолида сақланаётган ва тарихий, илмий, бадий ва маданий қимматга эга бўлган ноёб нашрларни аниқлаш, танлаш, сотиб олиш, ижарага олиш ва улардан вақтинча фойдаланиш учун нархларни белгилаш бўйича мезонларини аниқлашга хизмат қилади.

Нодир ва алоҳида қимматли ахборот-кутубхона ресурслари мавзуси замонавий шароитда долзарб характерга эга.

Бу ҳақида нодир ва алоҳида қимматли ахборот-кутубхона ресурсларига га кўп сонли фойдаланувчиларнинг мурожаатлари ҳам гувоҳлик беради, чунки алоҳида ноёб ҳужжатлар давлат бошқаруви, халқ хўжалиги, мамлакат мудофааси, халқаро муносабатлар, илмий тадқиқотлар учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган муҳим факт ва ҳодисалар ҳақида ахборотга эгадир.

«Архив иши тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июндаги ЎРҚ-252-сон Қонунида алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатларга қуйидаги таърифлар келтирилган:

- алоҳида қимматли ҳужжат - ўчмас тарихий-маданий ва илмий қимматга, жамият ҳамда давлат учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган, ҳисобга олиш, сақлаш ва фойдаланишнинг алоҳида тартиби белгиланган ҳужжат.

- ноёб ҳужжат - ўзида мавжуд бўлган ахборот ва (ёки) ташқи белгилари бўйича ўхшаши йўқ, йўқотилган тақдирда ўзининг аҳамияти ва (ёки) асл қўлёзмалиги нуқтаи назаридан ўрнини тўлдириб бўлмайдиган алоҳида қимматли ҳужжат.

Алоҳида қимматли ҳужжатлар таърифлари Давлатлараро стандарт ГОСТ 7.87-2003 Китоб ёдгорликларида (Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими) ҳам мавжуд:

- китобни фан ва техниканинг, шу жумладан босиб чиқариш ва китоб безаш техникасининг, тарих ва маданият, ижтимоий-сиёсий (дин, фалсафа, ахлоқ-одоб, ш. к.) ривожланиши учун умуман муҳим аҳамиятга эга бўлган, биринчи марта чиққан нашрни (китоб ёдгорлик-нашр) ёки фан ва адабиёт классиклари асарларининг вақт бўйича биринчи нашри сифатида характерловчи устуворлик;

- китобни буюк шахслар, давлат, фан ва маданият арбобларининг ҳаёти ва асарлари билан, илмий ва ижодий жамоаларининг ишлари билан, шунингдек муҳим тарихий воқеалар ва ёдгорлик жойлари билан боғлиқлигини аниқловчи мемориаллик;

- китобнинг муҳим тарихий-маданий объект хусусиятларга эга бўлган коллекцияларга тааллуқлилиги тўғрисида гувоҳлик берувчи коллекцияланганлик каби таърифлар келтирилган.

Ушбу Қоидалар давлат ихтиёрида бўлган барча Нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган ахборот-кутубхона ресурсларига нисбатан қўлланади. Хусусий мулк бўлган нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган нашрлар учун эса бу Қоидалар тавсия тарзида тақдим этилади.

Ноёб ва алоҳида қимматли ҳужжатларни аниқлаш режа асосида энг малакали мутахассислар томонидан, тармоқ илмий-услубий қўлланмалар асосида ўтказилади.

Алоҳида қимматли ҳужжатларни аниқлаш бўйича иш бошладан аввал, ахборот кутубхона муассасалари тарихи билан танишиш, қайси даврда энг қимматли ва қизиқарли ҳужжатлар яратилиши мумкин бўлганлигини аниқлаш зарур.

Ахборот-кутубхона муассасалари фондида алоҳида қимматли ҳужжатларни аниқлаш учун биринчи навбатда, ташкилотнинг асосий фаолиятини акс эттирувчи тузилмавий бўлинмалар қайдлари олинади.

Нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган ахборот-кутубхона ресурсларини белгилаш, аниқлаш тамойиллари:

- ташкилот-фонд ташкил қилувчи вазифаси (аҳамияти);
- нодир ва алоҳида қимматга китоблар муаллифлари;
- китобларнинг яратилиш вақти;
- китобларда сақланувчи ахборотлар қиймати;
- китобларнинг ҳуқуқий кучи, ҳақиқийлиги;
- китобларнинг бадий, палеографик қийматининг мавжудлиги.

Нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган ахборот-кутубхона ресурсларини танлаб олиш ахборот-кутубхона муассасаларининг нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган ахборот-кутубхона ресурсларини ўрганиш жараёнида;

- жорий китоб тўкислашнинг барча йўналишлари бўйича келиб тушаётган қимматли китоблар, жумладан, ҳадялар, китоб алмашиш, мажбурий нусха, китоб дўконларидан махсус китоб харид қилиш акциялари, хусусий шахслардан китоб сотиб олиш ва Ҳ. к. з.;

- қидирув-экспедиция ишлари (археографик ва бошқа экспедициялар) жараёнида.

Нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган ахборот-кутубхона ресурсларини ҳисобга олиш ва тавсифлаш, идоровий мансублигидан қатъи назар, тегишли қоидалар ва тартибларга мувофиқ равишда уларни қайд қилиш, баҳолаш, тавсифлаш ва давлат муҳофазасига олишдан иборатдир. Давлат мулки ҳисобланган нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган ахборот-кутубхона ресурслари мажбурий равишда рўйхатга олиниши лозим. Жамоат ташкилотларига, бошқа нодавлат юридик шахсларга, шунингдек хусусий шахсларга қарашли нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган ахборот-кутубхона ресурслари ихтиёрий равишда, уларнинг мулкдори (эгаси) томонидан тегишли мурожаатномалар берилган ҳолларда Миллий кутубхонада ёки минтақа ахборот-кутубхона марказида ҳисобга олинади.

Нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган ахборот-кутубхона ресурсларининг давлат томонидан асралиши деганда ахборот-кутубхона муассасаларидаги нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган ахборот-кутубхона ресурсларининг Миллий йиғма реестрига киритилган нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган

ахборот-кутубхона ресурсларининг муҳофаза этилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни ташкил этиш тушунилади.

Ахборот-кутубхона муассасаларининг нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган ахборот-кутубхона ресурслари жамланмасидан мамлакат нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган ахборот-кутубхона ресурсларининг ягона тақсимловчи ахборот-кутубхона фонди ҳосил бўлади, унинг бирлиги қуйидагича таъминланади:

- нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган ахборот-кутубхона ресурслари мамлакат миллий-маданий бойлиги сифатида муштарақ эътироф этилади;

- давлат ушбу бойликни миллий-маданий мерос сифатида асрашни қўллаб-қувватлайди;

- нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган ахборот-кутубхона ресурсларини ҳисобга олишнинг ягона тизими амал қилади ва унда айни ресурсларни тавсифлаш, идентификациялаш ва рўйхатга олиш принциплари муштарақ бўлади;

- нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган ахборот-кутубхона ресурслари тўғрисида уларни асрашни назорат қилиш, ўрганиш, оммалаштириш ҳамда англаш мақсадида турли ахборот тақдим этилади;

- нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган ахборот-кутубхона ресурсларини асраш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича умумий талаблар татбиқ этилади.

Нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган ахборот-кутубхона ресурсларини суғурта нусхалари йиғиндиси суғурта фондини ташкил қилади.

Суғурта фонди — бу суғурта нусхалари йиғиндисидир. У қимматли ҳужжатлар маълумотларини, ҳужжатлар оригинали йўқолиши ёки зарарланиши ҳолатида сақлаш учун яратилади. Суғурта фонди билан бир вақтда, фойдаланиш фонди ҳам тузилади, унинг вазифаси ҳужжатлардан фойдаланиш бўйича ишларни ўтказишда, оригиналларни нусха билан алмаштиришидир.

Барча ахборот-кутубхона муассасалари умумий ахборот-кутубхона фондларидан нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган ахборот-кутубхона ресурслари алоҳида фондга ёки кичик фон-